

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 6 июнь, № 109 (6039) Жума


# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЗАЛВОРЛИ ВА ЎРГАНИШГА МУНОСИБ»






*Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати салоҳиятининг чинакам намойишига айланиши, шубҳасиз. Бинобарин, ушбу нуфузли тадбирда иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми, инсоннинг ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлиги асоси бўлган айни шу соҳаларни ривожлантириш борасида тўпланган Ўзбекистон тажрибаси атрофлича ўрганилади. Бу эса халқаро миқёсда унга бўлган қизиқишни янада ошираётир. Анжуманда АҚШ, Хитой, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Индонезия, Латвия, Литва, Польша ва Словакия каби давлатлардан кўплаб олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюргани ана шундан далолат беради.*

*Халқаро конференция олдидан кеча меҳмонлар гуруҳларга бўлинган ҳолда, Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, Самарқандда бўлиб, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермер хўжаликлари, озиқ-овқат саноати корхоналари билан яқиндан танишдилар.*

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

Бугун кўҳна Тошкент нафақат ўзининг қадимий осориатиқалари, маданий ва тарихий иншоотлари, балки замонавий шаҳарсозлиги ҳамда кўркам қиёфаси, юксак иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти билан дунё аҳлини ўзига жалб этмоқда. Зеро, мустақиллик йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Натижада шаҳарнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, таниб бўлмас даражада кўркамлик касб этди.

Шу билан бирга, Тошкентда тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани туфайли у мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам ўз фаолиятини бу шаҳар билан боғламоқчи бўлган чет эллик сармоядорлар йил сайин кўпайиб бораётир.

Дарҳақиқат, бу ерда иқтисодиётимизнинг автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат, электротехника, кимё, нефть-кимё, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, мебелсозлик, айниқса, озиқ-овқат саноати тобора тараққий этмоқда. Мазкур тармоқларнинг корхоналари энг замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлангани ва изчил модернизация қилинаётгани туфайли жаҳон бозорида харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришилаяпти. Уларнинг асосий қисми дунёнинг қатор давлатларига экспорт қилинаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказилаётган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари дастлаб “Gold Dried Fruits” масъулияти чекланган жамиятида бўлдилар.

2013 йилда ташкил этилган бу корхона Германия, Бельгия, Хитой каби давлатларнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида бир кеча-кундузда 120 тонна сабзавот қуритилаётир. Қуёш нурига тўйиб пишиб етилган, витаминларга бой, энг асосийси, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатли қайта ишланаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, у жаҳон бозорида мустаҳкам жой эгаллади. Тайёр маҳсулотларнинг 90 фоизи АҚШ, Германия, Украина сингари дунёнинг ўнга яқин мамлакатларига сотилаётгани бунинг тасдиғидир.

— Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги алоқалар барча соҳалар, хусусан, иқтисодиётнинг озиқ-овқат саноатида жадал ривожланмоқда, — дейди **Ғарбий Фландриянинг “INAGRO” қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот маркази директори Мия ДЕМИЛМИСТЕР**. — Буни мазкур корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Негаки, хом ашёни чуқур қайта ишлаш жараёнида Бельгия ускуналаридан фойдаланилаётган бўлса, қуритилган сабзавотларга бизнинг мамлакатда талаб ниҳоятда катта. Чунки серқуёш ўлкангизда етиштирилган қалампир, булғор қалампири, бақлажон, карам, қизил лавлаги — барча-барчаси витаминларга бойлиги, ажойиб мазаси билан устунликка эга. Ана шу маҳсулотларни 2 йилгача сақлаш мумкинлиги буни яққол тасдиқлаб турибди.

**(Давоми 2-бетда).**











## ДУНЁ НИГОҲИ

*Жорий йил 13-14 май кунлари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган “Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли” мавзусига бағишланган халқаро давра суҳбатининг чет эллик иштирокчиси сифатида Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти Д. Бранденбургер “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида мазкур тадбирнинг якунлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

# «Маҳалла институти Ўзбекистон тараққиётига муҳим ҳисса қўшмоқда»

— Ўзбекистон бўйлаб сафарим менга замонавий ўзбек жамиятидаги маҳалла институтининг фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди, — деди у. — Хоразмдаги маҳаллалардан бирига борганимиз биз учун жуда қизиқарли ва эсда қоларли бўлди. Мазкур маҳалла ишлари билан танишар эканман, ушбу институт жамиятингизнинг ноёб ва мустаҳкам асоси эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Шуниси жуда муҳимки, маҳалла ўзини ўзи бошқариш масалалари баробарида, ёшларнинг таълим олишига кўмаклашиш билан ҳам шуғулланади. Бу Ўзбекистоннинг яхши тажрибаси ҳисобланади ва у Германия учун қизиқарлидир.

Юртингизга сафарим чоғида мамлакатингиз мустақиллик йилларида барча соҳаларда диққатга сазовор муваффақиятларни қўлга киритганига гувоҳ бўлдим. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ва узоқни мўлжаллаган сиёсат туфайли халқ ҳам, давлат ҳам тараққиёт йўлидан одимламоқда. Маҳалла институти эса Ўзбекистон тараққиётига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Урганчда бўлиб ўтган халқаро давра суҳбати менга Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятидаги ишларимни янада фаоллаштириш учун қўшимча рағбат бахш этди. Яқин вақт ичида Германияда ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши мавзуига бағишланган бир неча тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан кўзланган мақсад республикангизнинг замонавий тараққиётида, шу жумладан, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг таъминланишида ҳамда миллатлараро ва динлараро бир-бирини тўғри тушунишнинг мустаҳкамланишида маҳалла институтининг ўрнини ёритиш билан изоҳланади.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Ахборот-коммуникация технологиялари

## тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилмоқда

*Юртимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзаро рақобатни кучайтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, у изчил такомиллаштирилаётгани соҳада муҳим аҳамият касб этаётир.*

**ЯНГИЛИК**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган бир қатор қонунлар, хусусий секторга янги имтиёз ва қулайликлар бериши баробарида, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутаётгани барчага аён.

Шу ўринда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида давлат органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мамлакатимизда устувор йўналишлардан бўлиб келаётганини ҳам айтиш зарур.

**(Давоми 3-бетда).**

# Қисқа сатрларда

● Денов туманида “Бирлашиб биз катта кучмиз” шиори остида бўлиб ўтган ёшлар фестивалида 17 нафар коллеж битирувчисига умумий қиймати 82 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**● Наманганда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар каталоглари кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлар, фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослаштирилган корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

● Самарқандда ўтказилган “Таълим ва мутахассислик” кўргазмасида вилоятдаги олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, 17 та тижорат банки, 103 та корхона, ташкилот ва муассаса 373 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

**● Гулистон шаҳрида “Ёшлар ва атроф-муҳит” мавзуида экологик акция уюштирилди. Тадбир доирасида иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, биологик хилмахилликни асраш, атроф-муҳитни чиқиндилардан тозалашнинг аҳамияти, сувни тежаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш, тупроқ эрозияси ва чўлланишнинг олдини олишга бағишланган кўргазма, расмлар танлови ўтказилди.**

● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Либосларда — қадрият акси” деб номланган миллий ва замонавий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# 400 дан ортиқ шартномалар имзоланди

*Президентимизнинг 2013 йил 12 июлдаги “2013 — 2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ҳудуднинг иқтисодий тараққиётида, чин маънода, юксалиш босқичини бошлаб берди.*

**ЯРМАРКА**

Унга мувофиқ, айни пайтда воҳада янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини рўёбга чиқариш, саноат тармоқларини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик янгилаш олиб борилмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида бўлиб ўтган вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси пойтахт вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш борасида қўлга киритаётган ютуқларининг ўзига хос намойиши бўлди.

— Мамлакатимизда тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг 14,4 фоизи вилоятимиз ҳиссасига тўғри келади, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси масъул ходими Равшан Мамасолиев. — Қувонарлиси, кейинги йилларда тармоққа қаратилаётган эътибор, тадбиркорларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар туфайли ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар салмоғи ортаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

# Маданий-маънавий мерос

## Уни асраб-авайлаш масъулиятли вазифадир.

Ҳозиргача етиб келган тарихий ёдгорликлар ва ёзма манбалар диёримизда узоқ мозийда, айниқса, ўрта асрларда илм-фан, маданият гуллаб-яшнаганидан дарак беради. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги 7000 дан ортиқ маданий мерос дурдоналари, минглаб археологик объектлар ва қазилмалар бунинг тасдиғидир.

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Улар қадим тарихдаги маданий ҳаёт, аждодларимиз турмуш тарзини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга. Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ана шу ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, археологик изланишлар олиб бориш ишларини қўллаб-қувватлаш, янги музейлар барпо этишга катта эътибор қаратиб келинаяпти.

Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилди. Энг аввало, Конституциямизнинг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилди. Шу асосда 2001 йилда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, 2008 йилда “Музейлар тўғрисида”ги, 2009 йилда “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаяпти, музейлар фаолияти тартибга солинмоқда.

“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун асосида мамлакатимизда кўплаб маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинди. Жаҳон цивилизациясида катта ўрин тутган меъморий обидалар, археологик объектлар, тарихий шаҳристонлар, монументал санъат ёдгорликларини ўрганиш, ҳисобга олиш, асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказишга йўналтирилган ишлар белгиланди.

**(Давоми 2-бетда).**




# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЗАЛВОРЛИ ВА ЎРГАНИШГА МУНОСИБ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Долзарб мавзуда ташкил этилган конференция озиқ-овқат саноатидаги ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришга, юртингиздан ишончли ҳамкорлар топишимизга хизмат қилиши билан жуда аҳамиятлидир.

Чет эллик меҳмонлар учун “Green World” ёрлиғи туширилган маҳсулотлар янгилик эмас. Нега деганда, ушбу номдаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган табиий шарбат ва нектарлар, мева-сабзавот концентрати ва қайласи, мураббо ва жемлар хорижий давлатларда анча шуҳрат қозонган. Шу боис бўлса керак, айнан мазкур тадбиркорлик субъектига ташриф буюришини эшитган соҳа мутахассислари қувончини яшира олмадилар.

— Жаҳоннинг кўплаб давлатларида бўлиб, у ерда етиштирилган меваларни, улар асосида тайёрланган маҳсулотларни татиб кўрганман, лекин ҳеч қайсиси Ўзбекистон заминида етилган неъматларнинг ўрнини боса олмади, — дейди **Корея Республикасининг “OTTO Yung Heung Groceries Co., Ltd” компанияси президенти Хюнсу СЕО**. — Айниқса, шарбатларини таърифлашга тил ожиз. Бизнинг компаниямиз ҳам бевосита шарбат ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилгани учун соҳани яхши тушунаман. Сизларнинг биринчи ютуғингиз қулай географик жойлашув, мўътадил иқлим бўлса, иккинчиси, давлатингиз раҳбари томонидан саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидир. Шунинг учун иқтисодиётингиз жадал суръатларда ривожланиб, халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. Ўз бизнесини юртингиз билан боғлашни хоҳловчи инвесторлар кўпаяётганининг боиси ҳам шу, аслида.

Корхона цехларида бўлиб, мевани қайта ишлаш жараёни билан яқиндан танишдик. Шу аснода мутахассислар билан ўзаро фикр алмашдим. Уларнинг изланишга ўчлиги, янги таъм топишга интилиши кучлилиги эътиборимни тортди. Қаранг, фақат шарбатнинг ўзидан тўрт хил бренд остида ҳар биридан 20 хил ичимлик тайёрланар экан. Атайлаб ичиб кўрдим. Бирининг мазаси иккинчисини такрорламайди. Хуллас, ўрганадиган жиҳатлар кўп экан. Ўзбекистон билан мева ва сабзавот шарбатлари ишлаб чиқариш йўналишида ҳамкорлик олиб боришга қарор қилдим.

Айни пайтда “Green World” қўшма корхонасининг Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида иккита заводи фаолият кўрсатмоқда. Уларда кунига 350 тоннадан зиёд хом ашё қайта ишланаяпти. Бу жараёнда ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик менежмент тизими жорий қилингани, маҳсулотнинг табиийлиги унинг ташқи бозорда харидоргирлигини таъминлаяпти: тайёр маҳсулотларнинг тенг ярми экспорт қилинаётир.

— Чиндан ҳам, халқаро анжуман мавзуи ўта долзарб. Бугун дунё давлатларининг аксариятида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, “истеъмол савати”нинг мақбул тузилмасини шакллантириш муаммо бўлиб турибди, — дейди **Литва қишлоқ хўжалиги институти, Қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик илмий тадқиқот маркази директори Витаутас РУЗГАС**. — Юртингизда эса қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йили мўл ҳосил етиштирилиб, ички эҳтиёж таъминланаётгани, экспорт кўрсаткичи ошиб бораётгани эътиборга молик. Одамларнинг ҳаёт даражаси ҳам юқори экан. Бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари жуда сероб ва арзон. Бу агросаноат тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганидан нишонадир.

Ўзбекистонга биринчи марта келишим эмас. Ўтган йили давлатингиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам иштирок этган эдим. Унда мамлакатингизда қишлоқларни обод қилиш, янги тураржойлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида оламшумул ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлганмиз. Айниқса, Президент Ислом Каримов нутқида айтилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган ғоялар менда ғоят катта таассурот қолдирган.

Орадан бир йил ўтиб, мана, яна мамлакатингизга ташриф буюрдик. Биз Тошкентга бундан бир неча кун аввал келганимиз учун шаҳар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Қисқа вақт ичида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, яшил майдонларнинг кенгайтирилгани, уларда нафақат дарахт ва гулзорларни суғориш, балки микроиқлим ҳосил қилиб, салқинлаштирувчи сув тизимлари ўрнатилгани, фавворалардек зилол сувнинг отилиб турганы эътиборимни тортди.

Пойтахтимиздаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Lazzat Karamel” қўшма корхонаси конференция иштирокчилари учун навбатдаги манзил бўлди. Энг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бу корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг дастлабки маҳсулоти 2012 йилда сотувга чиқарилган бўлса, ўтган қисқа вақт мобайнида ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топа олди. Ҳозирги пайтда бу ерда йилига 4 минг тонна 30 хилдаги ширинлик ишлаб чиқарилаяпти. Уларни татиб кўрган халқаро экспертлар дарҳол ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар.



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Эрта тонгда нуфузли халқаро анжуман иштирокчилари билан биргаликда Юқори Чирчиқ туманига йўл олдик. Дастурга мувофиқ, энг аввал “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги намунали лойиҳалар асосида барпо этилган кўркам ва шинам уй-жой массивида меҳмон бўлдик. Ушбу масканда қарийб етти юз оила истиқомат қилаяпти.

Меҳмонлар массивда инфратузилма объектлари, халқимизга хос ноёб институт — маҳалла фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳайратини яширолмадилар. Болалар майдончалари ва мини-футбол стадионида шўх-шодон ўйнаб юрган навқирон авлоднинг қувончига шерик бўлдилар. Хонадонларга кириб, тўкин дастурхон атрофида меҳмон бўлиб, бир пиёла чой устида оила эгалари билан суҳбат қурдилар.

— Аҳоли учун бундай қулай шарт-шароитларга эга хонадонларнинг имтиёзли нархларда қуриб берилаётгани, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари сезилаётган бугунги кунда таҳсинга сазовор, — дейди **Буюк Британиянинг “Food sans Frontieres and Okeden Equine” компанияси директори Жоан Александр СЕФРЕ хоним**. — Буларнинг барчаси юртингиз тараққиётнинг тўғри йўлидан кетаётганини кўрсатади. Хурсандчилик, ҳаётдан шукроналик ҳислари ушбу шинам тураржойларда яшаётган одамларнинг юз-кўзларида шундоқ кўриниб турибди. Шу ердаги новвойхонага кириб, саранжом-саришталикдан, қизариб пишган нонларнинг хушбўй исидан, мазали таъмидан баҳраманд бўлдик. Тўғриси, бундан олдин Ўзбекистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида ўзбек патиридан истеъмол қилганман. Ўшанда, албатта, юртингизга келишни дилимга туккандим. Ният холис экан, орзуим ушалди. Бизнинг компания ҳам новвойчилик ва унинг технологияларини етказиб бериш билан шуғулланади. Мазкур анжуман давомида Ўзбекистоннинг бу борадаги натижаларини яқиндан ўрганиш баробарида, тажрибамизни ўртоқлашишни ҳам режалаштирганмиз. Мана шундай имконият яратиб бергани учун Президент Ислом Каримовдан миннатдормиз.

Шундан сўнг ҳудуддаги интенсив боғлар салоҳияти меҳмонларга “Тошкент боғ-роғлари” МЧЖ мисолида тақдим этилди. Танаси кичик бўлса ҳам, меваси шиғил олма, нок, олхўри дарахтлари салобати, баравж ўсиб турғани ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари Холмат Багадировнинг айтишича, 50 гектар майдонда барпо этилган боғдан иккинчи йилнинг ўзидаёқ 15 тоннадан ортиқ ҳосил йиғилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 50 тоннага етиши кутилаяпти.

— Ўзбекистон давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ушбу нуфузли конференцияга мезбонлик қилаётгани бежиз эмаслигига барчамиз гувоҳ бўлаяпмиз, — дейди **Жанубий Кореянинг “DISYS” компанияси ижрочи директори Хванг Ки КИМ.** — Энг замонавий усулларда яратилган бундай мевали ҳудудлар, ҳақиқатан ҳам, мафтункор. Ўз навбатида, улар муҳим озиқ-овқат захираларидир. Боғларга тежамкор ва инновацион технологиялар жалб этилаётгани эса, биринчи навбатда, кутилаётган ҳосил прогнози ишончлилигини оширади, қолаверса, сувдек энг зарур ресурсдан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Шу ўринда бозорларингизни айлангамнимни айтиб ўтмоқчиман. Расталардаги гилос, ўрик, қулупнайнинг мазасини татиган киши уларни егани сари егиси келаверар экан. Жуда хуштаъм. Конференция давомида соҳага оид янгиликлар билан яқиндан бохабар бўлиш ҳамда компаниямиз имкониятларини ҳавола этишни мақсад қилганмиз. Биз фермер хўжаликларига smart, яъни ҳар томонлама қулай, тезкор, илғор, қисқача айтганда, ақлли менежмент тамойилларини татбиқ этиш билан шуғулланамиз.

Шундан сўнг Зангиота туманидаги “Master delikatesov” масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари ҳаммани ёруғ юз билан кутиб олди. Энг охирги русумдаги линиялар билан жиҳозланган завод фаолиятига мазмунли экскурсия уюштирилди.

— Тошкентга 4 июнь куни етиб келдим, — дейди **Сингапурнинг “Food Expertise” компанияси менежери Дороти Нео ПОХМН хоним.** — Лекин чарчоқларимни тезда унутдим. Биласизми, юртингизга биринчи келиб, тезроқ саёҳат қилиш иштиёқи жўш ургани учун эмас, балки диёрингиздаги жуда ёқимли муҳит, меҳмондўстлик фазилатлари туфайли парвоз ҳорғинлиги тарқаб кетди. Ҳамроҳларим билан “Чорсу” бозорини айландик, ўзбек миллий ошхонасига бордик. Палов, сомса, қази, ҳалимдан татиб кўрдик. Ҳаммасининг таъми тилимда қолди. Яна қувватга бойлигини айтмайсизми?! Колбаса цехида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам сифатлилиги, турфа хиллиги билан талабларга тўла жавоб беради.

Шу ўринда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли анжуман кун тартиби ниҳоятда мазмунли тузилгани, ташкилотчилик савияси юқори эканлигини алоҳида қайд этишни истардим. Айни пайтда Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ютуқларига гувоҳ бўлиш, илғор тажрибаларини ўрганишга имконият яратилганидан беҳад мамнунмиз. Зеро, юртингизнинг озиқ-овқат саноатидаги ютуқлари залворли ва ўрганишга муносиб.

Меҳмонлар тумандаги “Mehnat” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирмага ҳам бориб, у ердаги қайта ишлаш технологиялари билан танишдилар.

Жумладан, Италиянинг машҳур “Zacmi” компанияси асбоб-ускуналари ўрнатилган цех бошлиғи Нодир Зокировнинг қайд этишича, ўтган йили 1 млн. дона банкада консерва маҳсулотлари маҳаллий ва хориж бозорига чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 1,5 — 2 млн. тага етказиш режалаштирилган.

— Экологик жиҳатдан тоза, табиий, тўйимли мева ва сабзавотларда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, иммунитетини оширишда жуда зарур витаминлар мавжуд, — дейди **АҚШнинг Корнелл университети боғдорчилик лабораторияси бош техниги Майкл УИЛСОН.** — Серқуёш юртингизда етиштирилган нафақат боғдорчилик неъматлари, балки помидор, бодринг, булғор қалампири, кулчақовоқ, сабзилар ҳам ана шундай хусусиятларга эга. Улар замонавий заводларда консервация қилинаётгани одамлар бундай неъматлардан нафақат ёз-кузда, балки қиш-баҳорда ҳам баҳра олишини таъминлайди. Бу давлат томонидан аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, мева-сабзавотларнинг сархил ҳолдаги захирасини шакллантиришга катта эътибор берилаётганини кўрсатади. Ана шундай бетакрор, йилдан-йилга ўзгариб, кўркамлашиб бораётган диёрингизга анжуман туфайли яна бир бор ташриф буюрганимдан ғоят шодман. Конференция эса дунё озиқ-овқат бозори тенденциялари, соғлом ва барқарор овқатланиш кўрсаткичлари, жабҳадаги молиявий-инвестициявий алоқалар, илм-фаннинг илғор ютуқлари, мева-сабзавот ва узумни сақлаш, логистика хизматлари каби долзарб йўналишлардаги қимматли маълумотлар, янгиликлар, тажрибаларнинг стратегик платформасига айланиши, шубҳасиз.

Сафар давомида меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, “Ҳазрати Имом” мажмуаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, “Фарҳод” бозорига ҳам ташриф буюриб, у ердаги обидалар, экспонатлар, бунёдкорлик иншоотларини томоша қилдилар.

## САМАРҚАНД

Ер юзининг сайқали, “Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд” дея таърифланган афсонавий шаҳар нафақат илму маърифат бешиги сифатида маълум ва машҳур, балки ўзига хос иқлими, табиати, ҳосилдор ери, зилол суви, кўркам боғлари, ширин-шакар меваларию бетакрор сабзавотлари билан ҳам азал-азалдан эътироф этилган. Хусусан, Амир Темур бобомизнинг мазкур гўшада бунёд қилган боғларининг тавсифини билмаган, эшитмаган киши бўлмаса керак. Зеро, Соҳибқирон бобомизнинг табиатни, инсонни соғломлаштириш, чўл-биёбонларни ободонлаштириш ва деҳқончиликни ривожлантириш борасида жуда кўп ҳикматли сўзларни мерос қилиб қолдирганлиги ҳам бежиз эмас.

Хорижлик меҳмонлар Самарқандга ташрифи чоғида қўшма корхона, илғор фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш субъектларини бориб кўрдилар. Жумладан, улар Самарқанд туманида жойлашган “Оҳалик олтин боғи меваси” фермер хўжалиги, “Агромир Групп” компанияси ҳамда “Sam Ros Xolod” қўшма корхонасида бўлиб, юртдошларимизнинг ишлаш шароити, тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, “Оҳалик олтин боғи меваси” фермер хўжалиги тасарруфидаги 680 гектар майдонда олма, гилос ва бошқа мевали дарахтларнинг пакана ва яримпакана кўчатлари Германия, Польша, Греция ва Сербия давлатларидан келтириб экилган. Корхонада ҳосилдорлик гектар ҳисобига 2011 йилда 8, 2012 йилда 12, 2013 йилда 18 тоннани ташкил этган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткичнинг 25 тоннага етказилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирги кунда 143 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада етиштирилаётган мевалар дунёнинг 6 та мамлакатига экспорт қилинади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

— Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, — дейди **Франциянинг “Pepinieres Mercier” компанияси президенти Мигель МЕРСИЕ.** — Тошкент, Хоразм, Бухоро, Хива каби шаҳарларнинг довруғи ҳақида анча-мунча маълумотга эгаман. Шу боис Президентингиз ташаббуси билан ташкил этилган анжуманга таклиф қилинганимдан бағоят мамнунман. Самарқандни кўриш энг катта орзуим эди. Ушбу конференция шарофати билан Ўзбекистонга, шу жумладан, эртакмонанд Самарқанд заминига келганимдан ниҳоятда хурсандман. Бу шаҳар тасаввуримдан ҳам ортиқ муаззам ва мунаввар экан. Тилларда достон тарихий обидалар — Амир Темур мақбараси, Регистон майдонини кўриб, қанчалик ҳайратланган бўлсам, замонавий иншоотлар ҳам шу қадар ҳавасимни келтирди. Бозорлардаги тўкинликдан кўзларим қамашиб кетганини-ку, айтмай қўя қолай. Умуман, қаерга бормайлик, ана шундай ҳайратлар оғушида қолдим. “Оҳалик олтин боғи меваси” фермер хўжалигида эса қизғин иш жараёнига гувоҳ бўлиб, англадимки, Ўзбекистон қисқа фурсатда энг илғор мамлакатлар қаторига чиқиб олгани бежиз эмас экан.

Самарқандда биз қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган уйларни ҳам бориб кўрдик. Ўн беш йил муддатга, энг кам фоизли кредит эвазига қурилиб, фойдаланишга топширилган хонадонлардаги замонавий шарт-шароитдан кўнглимиз яйради. Аҳоли учун бундай шароитлар яратиб берилаётгани мамлакатингизнинг мустаҳкам тараққиёт йўлидан бораётганлигини тасдиқлайди. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати маҳсулидир, десам, асло янглишмайман.

Чет эллик мутахассислар эътиборини тортган “Агромир Самарқанд” қўшма корхонаси ҳам иқтисодий бақувват субъект сифатида ном қозонган. 2002 йилда ташкил этилган ушбу корхона мева-сабзавот консерваси, шарбатлар ҳамда нектарлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Компания 32 та бино ва 10 та қурилмадан иборат 4 та технологик ишлаб чиқариш цехини ўз ичига олган. Бу ерда иш сифати ва унумдорлигини янада яхшилаш мақсадида Швейцария, Германия, Италия каби давлатларнинг илғор технологиялари ўрнатилган бўлиб, 519 киши меҳнат қилмоқда. Компания сифат менежменти бўйича ISO 9001:2008 халқаро сертификатини қўлга киритгани эътирофга лойиқ.

Дунёнинг турли давлатларидан келган мутахассисларнинг Самарқанд туманида жойлашган машҳур қўшма корхоналардан яна бири — “Sam Ros Xolod”га ташрифи иш қизғин бораётган паллага тўғри келди. Мазкур қўшма корхонанинг 2008 йилда фойдаланишга яроқсиз, тошлоқ жойдаги 5,24 гектар ернинг ўзлаштирилиб, хорижий инвестиция эвазига Германия ва Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар асосида қаддини тиклаб олганлиги тўғрисидаги маълумотлар меҳмонларни ҳайратга солди.

— Давлатингиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция ўзининг долзарблиги билан ниҳоятда катта аҳамиятга молик, — дейди **Италиянинг Флоренция провинцияси кенгаши аъзоси, “Il Santuccio” ассоциацияси раиси Леонардо КОМУЧЧИ.** — Ушбу нуфузли тадбирда қатнашаётганимдан беҳад хурсандман. Чунки бу ерга келиб, тажрибали боғбону миришкор деҳқонлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикр-мулоҳазалари менда катта қизиқиш уйғотди. Юртимга қайтгач, ана шу тавсия ва кўрсатмалар асосида бир боғ ташкил қилишни дилимга тугиб қўйдим. Қолаверса, Ўзбекистондаги тўкин-сочинлик, фаровон ҳаёт тўғрисида мақолалар ёзмоқчиман. Шунингдек, яқинларимга, ҳамкасбларимга афсонавий Самарқанднинг маҳобатли обидалари ҳамда бугунги тараққиёти ҳақида, бу ерда фаолият кўрсатаётган улкан корхоналар, ёш-ёш ишчилар, уларнинг билимдонлиги, ғайрат-шижоати хусусида фахру ифтихор билан гапириб бераман.

Ўзбекистон нафақат саховатли замини, тотли мева-сабзавотлари, балки қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш саноатининг ривожланаётгани билан ҳам фахрланса арзийди. Мамлакатингизнинг ушбу йўналишда фаолият юритадиган фирма ва компаниялари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, муайян келишувларга эришиш имконига эга бўлганимиз учун ташаккур изҳор қиламан.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Саид РАҲМОНОВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Маданий-маънавий мерос

## Уни асраб-авайлаш масъулиятли вазифадир.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихий, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш, илмий хулосалар бериш бўйича бугунги кунда нафақат Ўзбекистон олимлари шуғулланаётгани, балки бунга хорижлик экспертлар катта қизиқиш билдираётгани ҳам диққатга сазовор. Жумладан, улар ташкил қилинаётган кўплаб илмий экспедицияларда иштирок этишмоқда.

Халқаро ташкилотлар томонидан тарихий обидаларни сақлаб қолишга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги бир қанча маданий мерос объектлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан рўйхатга олиниб, муҳофаза қилиб келинаяпти. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Наврўз байрами, Сурхондарё вилоятидаги Бойсун номоддий маданий мероси ушбу нуфузли ташкилотнинг Репрезентатив рўйхатидан ўрин олган. Сир эмас, буюк аждодларимизнинг кашфиётлари бугунги кунда юксак технологияларни яратишда асос бўлиб хизмат қилаётир. Буларнинг барчаси юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур, ифтихор ва ҳайрат туйғуларини жўш урдиради.

Шуларга уйғун тарзда 15-16 май кунлари Самарқандда ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро илмий конференцияда хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий муассасалари раҳбарлари, хорижий экспертларнинг эътирофи дунё матбуотида акс садо берди.

Бу ўринда Юртбошимиз томонидан “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтилган бой маданий меросимизни асраб-авайлаш билан бирга, дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш, тарихимизни дунёга намоён этиш ва биз буюк аждодлар вакили эканлигимизни тараннум этиш, уларга муносиб фарзандларни тарбиялаш тўғрисидаги фикрлари ана шу нуфузли анжуман иштирокчиларининг юксак баҳосига амалий муштарак эканлигини англаш қийин эмас. Яъни Шарқ мутафаккирларининг дунё тамаддунига қўшган салмоқли ҳиссасининг жаҳон миқёсида тан олиниши кўп нарсани англатади. Зеро, фаровон заминимизда яшаб ўтган жаҳонга машҳур алломаларимиз ўзларининг чуқур дунёқараши, изланишлари, бебаҳо ихтиролари билан тарихда ўчмас из қолдиришган.

Яъни Буюк Ипак йўлида жойлашган, Шарқ ва Ғарбни мустаҳкам боғлаб турган, қадим ва бетакрор юртимиз азалдан таниқли илм-фан намояндалари билан довруқ қозонган. Уларнинг тарих, адабиёт, санъат, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик, педагогика каби соҳалардаги асарлари нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг бебаҳо бойлигидир. Президентимиз томонидан айтиб ўтилганидек, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Фанга алгоритм ва алгебра тушунчаларини киритган Муҳаммад ал-Хоразмий, Ғарбда ал-Фраганус номи билан танилган Аҳмад ал-Фарғоний, қомусий тафаккур соҳиби Абу Райҳон Беруний, тиббий фанлар асосчиси ҳисобланадиган Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замахшарий, юлдузлар жойлашуви харитаси ва астрономик жадваллар яратган Мирзо Улуғбек... Бундай юксак эҳтиромга сазовор номларни узоқ давом эттириш мумкин.

Юқоридагиларга уйғун тарзда айтиш керакки, юртимизда барқарор ривожланишни таъминлашга, жумладан, илм-фан, маданият, таълимни равнақ топтиришга қаратилган давлат сиёсати ўзининг изчил самараларини бермоқда. Зотан, юксак илмий салоҳият, сиёсий барқарорлик, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътибор Ўзбекистон тараққиётининг бош омилларидандир. Чунончи, Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. Мирзо Улуғбек мактаби анъаналарини давом эттирадиган мазкур муассаса халқаро илмий алоқаларни янада ривожлантириш, энг илғор фан ютуқларини тарғиб этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, буюк аждодларимизнинг улкан илмий кашфиётлари яна минг йиллар давомида фарзандларимизнинг баркамол авлод сифатида вояга етишида муҳим маъно-мазмун касб этади. Истиқлол йилларида таълим тараққиёти йўлида қилинаётган кенг кўламли ишлар азалий эзгу қадриятларни давом эттириш, илму фан арбобларининг янги авлоди шаклланишида мустаҳкам асосдир. Ўз навбатида, Самарқанд мезбонлик қилган халқаро конференция нафақат Шарқ алломалари илмий хазинасидан баҳраманд бўлиш учун йиғилган дунёнинг етакчи олимлари форуми сифатида тарихда қолади. Шу билан бирга, навқирон авлодга бой маънавий-маданий меросимизни янада чуқур ўрганиш ва англаб етиш учун кенг имкониятларни очиб беради.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# 400 дан ортиқ шартномалар имзоланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ярмарка ҳам бунинг тасдиғи бўлди. Унда 150 дан зиёд корхонанинг 260 га яқин маҳсулотлари намойиш этилди.

Икки кунлик тадбир ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтади. Тадбиркорлар маҳаллий хом ашёлар, бутловчи буюмлар, қурилиш материалларини тўғридан-тўғри шартнома асосида “биринчи қўл”дан харид қилиш имконига эга бўлдилар. Буни ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давомида 23 миллиард сўмликка яқин 400 дан ортиқ шартномалар имзоланганидан ҳам кўриш мумкин.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Андижон: Шаҳрихонлик ҳунарманд Раҳматулла Алихўжаев Дамашқ пўлати номи билан қадимда машҳур бўлган металл қотишмасини ўз устахонасида тайёрлашга муваффақ бўлди.

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ҳамда кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали муайян ютуқларга эришилди. Буни хўжалик судларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввало, хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш концепцияси қабул қилинганини айтиш ўринлидир. Ҳозир судларда иш юритиш самарадорлигини электрон ҳужжат алмашинувини кенг қўллаш орқали оширишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилмоқда.

Хўжалик судларига АКТни жорий этиш Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида жадал олиб борилаётганини айтиш жоиз. Натижада 2013 йил 1 январдан хўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби йўлга қўйилди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг расмий веб-сайтида даъво ариза ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот ишга туширилди. Айни пайтда хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари мазкур дастурий таъминот орқали республиканинг исталган хўжалик судига нафақат даъво аризалари ва илтимосномаларни, балки апелляция ва кассация шикоятлари, назорат тартибида протест келтириш, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни ҳам ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда тақдим этмоқдалар. Эътиборлиси, 2013 йилда хўжалик судларига электрон шаклда юборилган даъво аризалари, аризалар ва илтимосномалар сони 1800 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур кўрсаткич 15 мингтадан ошиб кетди. Бу эса 2014 йилда хўжалик судларига келиб тушган даъво аризалари ва аризаларнинг 15 фоизи электрон шаклда жўнатилганлигини кўрсатади.

2013 йил 1 июндан бошлаб хўжалик судларига электрон шаклда мурожаат қилган шахсларга суд ҳужжатлари ва бошқа хат-хабарларни маълумотлар алмашинувининг электрон воситалари орқали юбора бошланди. Бунинг учун хўжалик судлари судьялари электрон рақамли имзо билан таъминланди. Суд ҳужжатининг ҳақиқийлиги мазкур электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Бу ҳам амалиётда самара бермоқда. Чунончи, суд муҳокамаси иштирокчиларига 2013 йилда 1600 тага яқин суд ҳужжатлари ва бошқа хат-хабарлар судлар томонидан электрон воситалар орқали жўнатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 21 мингтадан ошди.

Ўз навбатида, хўжалик судларига электрон шаклдаги мурожаатлар ўсиши олдимизга Олий хўжалик судининг расмий веб-сайтини тубдан модернизациялаш вазифасини қўйди. Айни пайтда веб-сайтни замонавий талабга мувофиқлаштириш баробарида, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиладиган янги "Электрон кутубхона" дастурий таъминотини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Яъни унга тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида фойдаланадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари, суд амалиёти умумлашмалари, суд ҳужжатлари ва уларнинг намуналари жойлаштирилаяпти.

Тизимда электрон ҳужжат айланишини, хусусан, ҳужжатларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш, статистик маълумотларни тузиш, ижроси устидан назорат ва мониторинг олиб борувчи марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси амалиётга жорий қилингани эса фаолиятимизни янада кучайтирди.

Ҳозирги кунга қадар хўжалик судларида келиб тушган даъво ариза, ариза ва бошқа хат-хабарларни қайд этиш юзасидан фойдаланиб келинаётган электрон маълумотлар базаси замон талаби асосида тубдан модернизация қилинди. 2014 йил 1 январдан бошлаб синов сифатида Олий хўжалик суди ва барча қуйи хўжалик судлари фаолиятини бирлаштирган ягона электрон база ишга туширилди, бунинг учун зарур ускуналар ўрнатилди.

Натижада бугунги кунга келиб хўжалик судларига даъво аризалари, аризалар, шикоятлар ва илтимосномаларнинг келиб тушиши, муддатида рўйхатга олиниши, судьялар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва жўнатилиши, суд муҳокамаларининг бошқа кунга қолдирилиши, статистик ҳисоботлар ҳаққонийлиги, суд қарорларининг ижро этилиши ҳамда суд фаолиятига оид бошқа маълумотларни Олий хўжалик судида электрон тармоқ орқали мониторинг ва назорат қилиб бориш имконияти кенгайди. Мазкур ишларнинг давоми сифатида 2014 йил июль ойидан бошлаб Олий хўжалик суди ва қуйи хўжалик судларида янги электрон база тўлиқ ишга туширилиши ва ягона ҳимояланган корпоратив электрон почта тизими орқали электрон ҳужжатлар айланишини амалга ошириш режалаштирилган.

2014 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан Хўжалик процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритилдики, бу хўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш имкониятини яратиш орқали соҳа фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳақида гапирадиган бўлсак, хўжалик ишини кўраётган суд мажлисига қатнашиши лозим бўлган бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектлари шу судга келмасдан ўзлари жойлашган ҳудуддаги хўжалик судининг биносига келиб, видеоконференцалоқа тизими орқали суд мажлисида иштирок этади. Хўжалик процессуал кодексига киритилган бу борадаги қўшимчалар 2014 йилнинг 1 сентябридан эътиборан кучга киради.

Амалдаги Хўжалик процессуал кодекси қоидаларига кўра, хўжалик судида муайян ишни кўриш шу ишни кўраётган суднинг биносидаги мажлисда амалга оширилади. Бундай тартиб иш кўрилаётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, кассация шикояти Олий хўжалик судида кўрилаётганда иккала тараф учун ҳам анча вақт ва кўп миқдордаги маблағларни талаб этади.

Маълумотларга қараганда, 2011 — 2013 йиллар мобайнида хўжалик судлари томонидан биринчи инстанцияда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўриб чиқилган 245 846 та ишдан 24 750 таси, яъни 10,06 фоизида бир тараф ишни кўраётган хўжалик судидан бошқа ҳудудда жойлашган. Бундан ташқари, шу ишларнинг 7 мингтаси бўйича ишни кўриш бошқа кунга қолдирилган. Натижада ишни кўраётган хўжалик суди суд мажлисида иштирок этиш учун 30 мингдан ортиқ тараф вакиллари бошқа ҳудуддан, яъни бошқа вилоятлардан келган.

Яна бир мисол: кейинги уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судларида кўрилган (Тошкент вилояти ва шаҳридан ташқари) 3268 та иш Олий хўжалик судининг кассация инстанцияси суди томонидан кўрилган. Улардан 900 га яқинида ишни кўриш кейинга қолдирилган. Натижада кассация инстанцияси суд мажлисида иштирок этиш учун жами 8 мингдан ортиқ тарафлар вакиллари бошқа ҳудуддан пойтахтга келиб кетган.

Шу жиҳатдан қарасак, 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб суд мажлисларининг видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши тадбиркорлик субъектлари учун кўплаб қулайликлар яратади.

Аввало, сарф-харажатлар кескин камаяди, ортиқча вақт йўқотиш ҳамда оворагарчиликларнинг олди олинади. Аниқ айтадиган бўлсак, даъвогар Андижон вилоятида, жавобгар Хоразм вилоятида жойлашган бўлса, даъвогар суд муҳокамасида қатнашиш учун Андижон вилояти хўжалик суди биносига, жавобгар эса Хоразм вилояти хўжалик суди биносига келиши кифоя қилади.

Таъкидлаш керакки, видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини ўтказишга доир Хўжалик процессуал кодексига киритилган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни кўраётган суд биносидаги мажлисда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини чекламайди. Хусусан, мазкур янги нормаларда шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги мажлисда иштирок этиш ҳуқуқи белгиланиб, шу тизимнинг процессуал хусусияти мустаҳкамланди.

Жумладан, шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқлари ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилиши белгиланди. Бу ажрим ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ва уларнинг бундай мажлисда иштирок этишига кўмаклашадиган, улар жойлашган ҳудуддаги хўжалик судига юборилади.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган хўжалик суди эса суд жараёни пайтида ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа қатнашчилари вакиллари ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар, шунингдек, суд мажлисида тақдим этилган ёзма далилларнинг ишни кўраётган хўжалик судига юборилишини таъминлайди. Яъни ишни кўриш вақтида суд томонидан ҳар қандай ҳужжатларнинг нусхасини зудлик билан олиш имконини берадиган техник воситалар суд мажлиси залларига ўрнатилади. Ҳужжатларнинг асл нусхалари эса кейинчалик ишга қўшиш учун видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суд томонидан ишни кўрган судга юборилади.

Бундан ташқари, давлат сири ёки тижорат сирини сақлаш мақсадида ишни ёпиқ мажлисда видеоконференцалоқа режимида кўришга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Суд харажатлари таркибига ишни кўриш билан боғлиқ чиқим сифатида суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш харажатларини акс эттириш мақсадида Кодекснинг 90-моддасига қўшимча киритилиб, мажлисни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатни қоплаш тартиби белгиланди. Унга кўра, бундай харажат суммаси хўжалик суди томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича, қоида тариқасида, қаноатлантирилган даъво талабларига мутаносиб равишда ундирилади.

Бу харажатларга фақатгина видеоконференцалоқани таъминловчи интернет харажатларини киритиш режалаштирилган. Муҳими, бу харажатлар тарафлар бевосита бошқа ҳудуддаги судга қатнаганларида сарфланадиган харажатлардан бир неча маротаба кам бўлади.

Умуман, Хўжалик процессуал кодексига киритилган қўшимчалар процесс иштирокчиларига ўзлари жойлашган ҳудуддан чиқмасдан, вақт ва маблағини тежаган ҳолда, суд мажлисида иштирок этишларига имконият яратиши баробарида, судда ишларни кўришда тезкорликка ва процессуал муддатларнинг тежалишига замин ҳозирлайди.

Шунингдек, видеоконференцалоқа тизими Олий хўжалик судининг хўжалик судлари тизими фаолиятини ташкиллаштириш ва унинг устидан назорат ҳамда мониторингни олиб бориш борасидаги ваколатлари самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Мазкур тизим жойларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилаётган суд мажлисини кузатиб бориш, маълумотларни судларга тезкорлик билан етказиш, масофавий йиғилишлар, семинарлар ва конференцияларни ўтказиш, уларда қуйи хўжалик суди судьяларининг масофадан туриб иштирок этишларида қўл келади.

Видеоконференцалоқа тизимининг жорий этилиши вилоятлардаги тадбиркорлар, фуқаролар учун Олий хўжалик суди раҳбариятининг шахсий қабулларини ташкил этишда ҳам айни муддаодир.

Айни пайтда хўжалик судларида видеоконференцалоқа тизимини амалиётга татбиқ этиш ишлари изчил олиб борилмоқда. "Ўзбектелеком" компанияси билан ҳамкорликда оптик толали алоқа тармоғини хўжалик судларига улаш ишлари якунига етказилди. Судья ва суд ходимларининг малакасини ошириш, ахборот хавфсизлигини, тизимлар ва ресурсларни ҳимоя қилиш мақсадида эса ўқишлар ташкил қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, Хўжалик процессуал кодексига киритилган ушбу қўшимчалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, одил судлов фаолияти сифат ва самарадорлигини ошириши баробарида, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини тўла таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Козимжон КАМИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси.**

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Евроҳудудга аъзо мамлакатлар оғир молиявий-иқтисодий инқироз шароитидан аста-секин чиқа бошлаётган бўлса-да, бу ҳолат ҳали меҳнат бозорига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатгани йўқ, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## 37 йилда биринчи марта

Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида Италияда ишсизлик даражаси 13,6 фоизга етган. Мамлакат миллий статистика хизмати — "Istat" маълумотларига кўра, бандлик билан боғлиқ бундай салбий кўрсаткич Италияда сўнгги 37 йил ичида илк бор қайд этилди. Айниқса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик жиддий муаммо бўлиб турибди. Чунки айни пайтда меҳнатга лаёқатли йигит-қизларнинг 46 фоизи бекорчиликда кун кечираяпти.



Меҳнат бозорида юзага келаётган муаммолар туфайли Италия ягона валюта бирлигига аъзо давлатлар орасида ишсизлик кўрсаткичи юқорилиги бўйича Греция ва Испаниядан кейин учинчи ўринга кўтарилган.

## Тахмин ўзгарди

*Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) ўтган йилнинг декабрь ойида 2014 йилда жаҳон авиасаноати йўловчилар ташишдан 18 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад олишини башорат қилганди.*

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ана шу тахмин 3,5 фоизга пасайтирилди. Экспертларнинг фикрича, дунё иқтисодиётида бу йил ўсиш бир оз суст кечмоқда. Бу авиасаноатга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Қолаверса, авиакомпанияларнинг ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари учун ажратадиган харажатлари ортиб, улар тўлаётган солиқлар миқдори ҳам ошган.

## Саломатлигингизни телефонда аниқланг

*АҚШнинг "Apple" компанияси "iPhone" смартфонини инсон саломатлигини назорат қилиб борувчи дастурлар билан бойитиш бўйича изланишлар олиб бормоқда.*

Келажакда мобиль телефонлар ёрдамида одамнинг жисмоний фаоллиги, томир уриши ва қон босими ҳақидаги маълумотларни билиб олиш имконияти яратилади. Бу ҳақда компания мутахассислари Жаҳон дастурчилар конференциясида маълум қилишган.



Экспертларнинг изоҳлашича, "Apple" бу билан ҳозир смартфонлар бозорида юзага келган кучли рақобатни янада фаол енгиб ўтишни мақсад қилган ва бунга эришиши ҳам мумкин. Чунки саломатликни назорат қилиб борадиган "iPhone"лар омма эътиборини тортиши табиий.

## Қимматбаҳо футболчилар

*Аргентина терма жамоаси ва "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси айни пайтда дунёнинг энг қиммат футболчисидир.*



Халқаро спорт тадқиқотлари маркази ("CIES") томонидан эълон қилинган ҳисоботда шундай дейилган. Унга мувофиқ, Мессининг трансфер нархи 200 — 232 миллион евро атрофида. Тузилган рўйхатнинг иккинчи поғонасидан жой олган Португалия терма жамоаси ва "Реал" (Мадрид) клуби аъзоси Криштиану Роналду эса 105 — 122 миллион еврога баҳоланган. Учинчи поғонада "Ливерпуль"нинг уругвайлик ҳужумчиси Луис Суарес (98 — 114 миллион евро) қайд этилган.

Рейтингни тузишда футболчининг жамоаси билан тузган шартнома муддати, унинг майдонда тўп сурадиган чизиғи, клуби эришган натижалар ва бошқа яна кўплаб жиҳатларга эътибор қаратилган.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

ЭЪЛОНЛАР

**Наманган вилояти,**
**Тўрақўрғон туманида қурилаётган**
**«Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси»га**
**1-кириш автомобиль йўлининг юқори босимли газ қувурлари билан кесишиш жойларини лойиҳалаш учун**
**танлов эълон қилинади.**

* Лойиҳалаштирилаётган 1-кириш автомобиль йўли диаметри 530 мм.ли юқори босимли «Сох — Наманган» магистраль газ қувурини 128 км.да ҳамда диаметри 159 мм.ли 2 та юқори босимли газ қувурлари мазкур йўлни ПК64+500 км.да кесиб ўтади.

«Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш дирекцияси» унитар корхонаси маъмурияти.

**Манзил: Наманган вилояти,**
**Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй.**
**Тел./факс: (8-369) 227-95-89.**

860R/466

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**
**мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги мулк такроран қўйилмоқда:**

Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2013 йил 11 декабрдаги 1-441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Туткунда» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Армометал» ҚК МЧЖ балансида мавжуд бўлган асосий воситалар, ускуналар ва бино-иншоотлар мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 256 659 507 сўм.***

Мол-мулклар 2014 йил 19 июнь куни соат 11.00 даги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 4 июль куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:
* юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
* савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО:00966, СТИР:302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
* талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур мулк қуйидаги шарт асосида сотилади.

Харидор савдо ўтказилган куни суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (8-365) 221-51-62.**

Хизматлар лицензияланган.

**ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА**

2014 йил 16 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтган аукцион савдосида бошланғич қиймати 41 700 000 (қирқ бир миллион етти юз минг) сўмдан иборат бўлган Бухоро шаҳри, А. Сомий кўчаси, 19-уй олдида жойлашган, 3 та хонадан иборат, умумий майдони 46 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси 47 955 000 (қирқ етти миллион тўққиз юз эллик беш минг) сўмга сотилди.

863R/1090

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ**
**тадбиркорлар, сармоядорлар ва хорижий инвесторларга қуйидагиларни маълум қилади!**

Савдога «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг 2014 йил 3 июндаги 01-05/1029-сонли хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси 28 250 064 000 сўм бўлган, «Elite Stars Textile» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига чиқарилган.

Тўлов муддати: бўнак пули олди-сотди шартномаси тузилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилиши лозим. Тўловнинг қолган қисми етти йилдан узоқ бўлмаган муддат давомида бўлиб-бўлиб тўланиши шарт. Тўловларнинг ҳар бир ой ва йил учун тўланадиган аниқ миқдори сотиб олувчи билан тузиладиган шартнома асосида белгилаб олинади.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган улушни сотиб олиш бўйича шартлар:
— *талабгор улушни сотиб олиш бўйича акцепт аризаси тақдим этган ва савдо натижасига кўра тегишли баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида олди-сотди шартномани имзолаши шарт;*
— *улуш бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига тарафлар келишуви бўйича фоиз ҳисобланади;*
— *зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришдаги давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, объектни баҳолаш ва суғурталаш) оммавий оферта савдоси ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағи ҳисобидан амалга оширилади.*

Савдога қўйилган улуш ва унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода иштирок этиш учун акцепт аризалар 2014 йил 10 июндан 31 декабргача савдо ташкилотчисининг Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда қабул қилинади.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

Гувоҳнома № 006231.

862R/1452

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти прокуратурасининг 2014 йил 31 майдаги 27-126-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, «Ц» мавзесида сақланаётган, техник ҳолати қониқарли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Daewoo Nexia» русумли, давлат рақами 10/972 ZAA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 21 175 000 сўм.***

**2.** «Daewoo Damas» русумли, давлат рақами 01/155 EDA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 15 726 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 4 июль куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаларининг 7 июлдаги савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 14 ва 21 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 14 июлдаги савдолар учун — 11 июль куни соат 18.00, 21 июлдаги савдолар учун — 18 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби, деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

Гувоҳнома № 006231.

861R/1452



Жаҳон 24 соат ичида: Буюк Британия, АҚШ, Италия ва швейцариялик тадқиқотчилардан иборат халқаро гуруҳ коинотда Ердан 17 баравар оғир сайёра мавжудлигини аниқлашди.



ФАХР

*— Президентимизнинг турли йиғинлардаги нутқини, суҳбатларини доим қизиқиш билан тинглайман, — дейди маҳалладошим Эркинжон ака. – У киши келажагимиз тўғрисида, айниқса, болалар билан ёшлар ҳақида сўзлаганида беҳад тўлқинланиб, кўнгли яшнаб кетиши яққол сезилиб туради. Буни кўриб турган одамнинг ҳам ўз-ўзидан баҳридили очилади.*

# Иқтидорли фарзандлар — энг катта бойлигимиз

Давлатимиз раҳбари Хотира ва қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган мулоқот чоғида фарзандларимизнинг тинч муҳитда ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишлари, эл-юртнинг мустаҳкам таянчига айланишлари учун барча шарт-шароит яратилаётгани, булар қисқа давр ичидаёқ ўз натижасини бераётгани борасида сўз юритар экан, Эркинжон аканинг юқоридаги гаплари беихтиёр ёдимга тушди. Айниқса, дунёнинг кўп мамлакатларидаги улкан қурилишларда қатнашган кореялик довруқли мутахассислардан Ўзбекистондагидек зеҳни ўткир, малакаси пишиқ ёшларни кам учратишганини эшитиш нақадар қувончли эканини Юртбошимиз қалби сурурга тўлиб-тошган тарзда баён этди. Бу манзара ўз фарзандининг хулқи гўзаллиги, иши пухталиги, иқтидори юксаклиги кабилар ҳақида бировлардан илиқ гаплар эшитиб, раҳмат олган отанинг фахр ва ғурурдан чеҳраси ёришиб кетган ҳолатини эслатади, кишига.

Кейинги ойларда Ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари турли таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнаткашлар вакиллари билан жойларда қатор адабий учрашувлар ўтказдик. Қаерда бўлмайлик, фарзандларимизга қилинаётган ғамхўрликлар кўлами тобора кенгайиб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

Биргина Фарғона сафарининг ўзидан адибларимиз олам-олам ижобий таассуротлар олиб қайтишди. Давлатимизнинг улгуржи молиявий кўмаги, қолаверса, вилоятда халқ хўжалигининг барча соҳаларида йил сайин олға силжишларга эришилаётгани боис ҳамма жой кунма-кун ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Болалар боғчаларидан тортиб, мактаб, лицей, коллежларгача бири-биридан фусункор, ҳашаматли. Ҳарбий лицей, солиқ коллежидаги озодалик, юксак тартиб-интизом, уюшқоқлик, касбга муҳаббат ва масъулият билан ёндашишлик ўқувчиларнинг одатий турмуш тарзига айланиб қолганини кўриб, кўзимиз қувонди. Бу масканларда фанни яхши ўзлаштириш учун зарур бўлган барча замонавий ускуна муҳайё қилинган, илм билан амалиёт уйғунлиги намунали ташкил этилган.

Қувадаги мусиқа коллежидамиз. Барча таълим муассасаларидаги каби бу жойда ҳам ўқувчилар бир хил кийимда, эгизаклардек аҳил-иноқ бўлиб юришибди. Залга йиғилдик, ёшлар истеъдодларини намойиш қила бошлашди. Ўқувчилар жаҳон мусиқий хазинасидан намуналар кўрсатиш билан бирга, замонавий ва мумтоз ўзбек куйлари, қўшиқларини маромига етказиб, фонограммасиз бўлгани учунми, шу қадар завқ-шавққа чулғаниб ижро этишдики, очиғини айтганда, айрим номдор хонандаларнинг ғала-ғовурли томошасига тушгандагидан кўпроқ яйрадик.

Қўқондаги "Жоме" мажмуасида бўлиб, ёш ҳунармандлар кўргазмасида қатнашганимизда, фарзандларимиз қўли гул ота-оналарини ҳадемай ортда қолдириб кетишлари, бу борада жаҳонга довруқ солишлари муқаррарлигини англаб, чексиз ғурурландик. Йўқ, булар кечаги болалар эмас, бугунгилари тамоман бошқача бўлиб кетибди, ўсгандан ўсибди!

Шаҳар-ку — шаҳар, ҳатто Фарғона туманининг Бўстон деган чекка қишлоғидаги мактабда бунчалар чечан, бунчалар учқурхаёл ва тиришқоқ болаларга дуч келамиз, деб ўйламаган эдик. Уларнинг қўли билан бунёд этилган замонавий асбоб-ускуналар, роботлар, митти автоуловлар, ўлкамиздаги машҳур бино ва обидалар макетлари қойиллатиб ясалгани, каштачилик, ўймачилик, саваттўқарлик, қандолатчилик, чеварчилик янглиғ соҳалар сирини мукаммал ўзлаштириб бораётганларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик.

Фақат вилоят марказида эмас, барча туманларда, айниқса, Данғара, Қувасой, Тошлоқ, Марғилон, Олтиариқ каби гўшаларда қурилишлар, ободончилик ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Эътиборга молик томони шундаки, ушбу бунёдкорликлар ёнида болалар учун спорт майдончалари, турли ўйинларга мосланган дам олиш масканлари ҳам бир йўла барпо этилаётир. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган тиббий муассасалар сони ошиб бормоқда. Ўқувчилар оромгоҳлари таътил олдидан ҳавас қиларли ҳолатга келтирилди. Маънавиятимиз юксалишида беқиёс аҳамият касб этувчи "Китоб байрами"ни ҳақиқий тантанага айлантиришнинг эса фарғоналиклар жуда ҳадисини олишган.

Кўнглимизга энг кўп ҳузур бағишлагани шу бўлдики — азиздан азиз болаларимизнинг, ёшларимизнинг руҳи баланд, эртанги куни бугунгидан-да гаштлироқ бўлишига ишончлари комил. Бундай оқил фарзандларни қадимий удум ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда, учқур замонанинг фан-техника ютуқлари билан ёндош этиб улғайтиришда давом этаверсак, "оммавий маданият" деб аталмиш юқумчил офатлардан, ҳар хил сохта мурувват, юзаки меҳрибонлик ниқоби остида четдан кириб келиб, болаларимиз онгини пинҳона заҳарлашга уринувчилар таҷовузидан асрашга астойдил уринаверсак — марра бизники, шунда бу покиза юртга нопок ниятлар кириб келолмайди.

Президентимиз яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро анжуманда шундай дедилар: "Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак", деб айтаман. Айни вақтда "Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!" деб такрорлайман".

Бу қанотбахш сўзлар не-не буюк зотларнинг вориси эканимизни янада батафсил ўрганиб, янада чуқур англаб, буни фарзандларимизга ҳам уқтириб боришга ундайди. Бу омил эса эртага ўзимизга қўша-қўша саодат бўлиб қайтавериши аниқ.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## Спорт

*Япония пойтахти Токио шаҳрида трамполин бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Амиран Бабаян муваффақиятли қатнашиб, шу йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган II ўсмирлар ёзги Олимпиадасига йўлланма олди.*

### Олимпиадага яна битта йўлланма

ТРАМПОЛИН

Мазкур мусобақада Амиран тўртинчи натижани қайд этди. Бунгача ҳамюртларимиз бадиий гимнастика, оғир атлетика, бокс, академик эшкак эшиш, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, юнон-рум кураши, таэквондо ВТФ, дзюдо, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, стол тенниси ҳамда аёллар кураши каби спорт турлари бўйича лицензияларга эгалик қилишган эди.

### Полвонимиз муваффақияти

*Австриянинг Лейбниц шаҳрида дзюдо бўйича 1994 — 1996 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Европа очиқ кубогида ҳамюртимиз Суҳроб Турсунов бронза медали билан тақдирланди.*

ДЗЮДО

Нуфузли мусобақанинг вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувида қатнашган спортчимиз словениялик Янус Зидан Ник, италиялик Маттео Медвес, Биачио Стефанелли, польшалик Виктор Мравчински, япониялик Тори Теншо ва бельгиялик Марк Винсентани мағлубиятга учратиб, ана шундай натижани қайд этди.

### Бош соврин — Оқгулда!

*Бухоро шаҳрида теннис бўйича Халқаро теннис федерацияси — "ITF" мусобақалари тақвимига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.*

ТЕННИС

Тажрибали спортчимиз Оқгул Омонмуродова унинг яккаликлар ўртасидаги баҳсида бош совринни қўлга киритди.

Турнирнинг жуфтликлар иштирокидаги беллашувида ҳамюртимиз Сабина Шарипова ва украиналик Вероника Капшай муваффақиятга эришдилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Дилфуза Рашидовага падари бузруквори **Ғани РАШИДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

"Ўзсаноатқурилишбанк" йиллар давомида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланиб, аҳоли ва мижозларга таклиф этилаётган хизматларни ҳар томонлама такомиллаштириб бораяпти. Жамоанинг аниқ стратегик режа асосида фаолият юритаётгани иш кўлами ва сифатини оширибгина қолмай, банкнинг мамлакатимиз молия бозоридаги салоҳиятини ҳам янада юксалтирмоқда. Унинг капитали йилдан-йилга ўсиб, тизимдаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди. Жумладан, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами капитали 434 миллиард сўмга етказилди. Низом жамғармаси эса 318,5 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Ўтган йили "Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимиз иқтисодиёти равнақи йўлида жами 1,9 триллион сўмлик кредитлар ажратди.

Биргина шу йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида жами 203,3 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирганининг ўзи мазкур молия муассасаси юртимизнинг етакчи банкларидан бири эканидан яққол далолат беради. Бу нафақат янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки истеъмол бозорини тўлдириш, балки аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш каби эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг асосийси, банк сармоялари эвазига мамлакатимизда мулкдорлар сафи кенгайиб бораётганлиги диққатга сазовор. Буни ушбу молия муассасаси кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорларнинг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.




*Президентимизнинг "Фермер бой бўлса — мамлакат обод бўлади", деган пурмаъно сўзлари бор. Ана шундан келиб чиқиб, юртимизда фермер хўжаликларини ташкилий, ҳуқуқий ҳамда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида барча имконият ишга солинмоқда. Натижада фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айланиб бораяпти. Бошқача айтганда, соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар биз, мулкдорларнинг ишимизга барака киритиб, ютуқларимиз салмоғини оширмоқда.*

## Имконият ва ташаббус

Ўз фаолиятимиздан келиб чиқиб айтсам, фермер хўжалигимиз бундан роппа-роса 14 йил аввал ташкил этилган эди. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли ўтган давр мобайнида ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилигу боғдорчиликда муайян тажриба тўплаб, юқори натижага эришиш ҳадисини олдик. Мавжуд техника ва ускуналаримиз ҳам ана шу йилларда олган даромадларимиз ҳисобига янгиланганини ишимизга унум бағишлаётир.

Биз кўп тармоқли фермер хўжаликларидан бири ҳисобланамиз. Ўтган йили фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилган эдик. Четдан наслли қорамоллар сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқдик. Яқин ҳамкоримиз — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қибрай филиалига бизнес-режамиз ва керакли ҳужжатларни тақдим этдик. Уни ўрганиб чиққан банк жамоаси 750 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи ажратди. Унга Германия ва Словакиядан 99 бош голштин зотли қорамол олиб келдик. Бугунги кунда сотиб олинган наслли қорамоллар ферма биносида боқилмоқда. Бир кеча-кундузда ҳар бир сигирдан ўртача 25-30 килограммдан сут соғиб олиниб, маҳсулот туманимиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда. Хўжалигимизга қўшимча наслли қорамоллар олиб келиниши даромадимиз сезиларли равишда ортишига туртки бўлиб, натижада ўнлаб иш ўрни яратилди.

Эришаётган ютуқларимизда банкнинг салмоқли ҳиссаси бор, дея эътироф этамиз. Биласизми, нега? Мен сизга айтсам, шу йил бошида ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ушбу филиалидан яна 1 миллиард 250 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит олдик. Албатта, ушбу сармоялар бизни фақатгина деҳқончилик билан чекланиб қолмай, балки бошқа тармоқлар ривожига ҳисса қўшишимизга ҳам имкониятлар яратиб бермоқда.

Умуман олганда, "Ўзсаноатқурилишбанк" яқин маслаҳатчимиз, ҳамкоримиз ва мададкоримиздир. Мана оддий исботи: банк жамоаси бизни нафақат имтиёзли кредит ажратиш билан қўллаб-қувватлаяпти, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, молиявий маблағларни бошқаришда маслаҳатлар бериб, лойиҳалар ишлаб чиқиш, маҳсулотлар маркетингини ташкил этишда ҳам кўмаклашмоқда.



**Абдусамат СУЛТОНҚУЛОВ,**
**Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги «Азизжон» фермер хўжалиги раҳбари.**

## Лойиҳаларимиз қўллаб-қувватланмоқда

*Юртимизда жисмонан соғлом, маънан етук авлодни камол топтириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири саналади. Бинобарин, мустақиллик йилларида энг юқори талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган замонавий даволаш муассасаларининг мукаммал тизими яратилгани ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

Бу борада, айниқса, Президентимиз Фармонига мувофиқ қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастури алоҳида ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда хусусий секторда ҳам тиббий фаолият шаклланиб бораяпти. Бугун республикамизда самарали иш юритаётган икки мингдан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари аҳоли ишончини тобора қозонаётгани янада қувонарлидир. Биргина бизнинг хусусий тиббиёт муассасамизда ҳар куни ўнлаб фуқаролар тиббий кўрикдан ўтиб, аниқ ташхис асосида даволанадилар.

Яқинда фаолиятимизга замонавий технологияларни татбиқ этиш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқдик. Албатта, бунда банк кўмагига эҳтиёжимиз бор эди. "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Самарқанд минтақавий филиали ходимлари билан маслаҳатлашдик. Улар ғоямизни маъқуллашди. Банкдан ажратилган 406 минг евро миқдоридаги маблағга энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускунасини сотиб олдик. Натижада турли касалликларга аниқ ташхис қўйиш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга, ўнлаб иш ўринлари ташкил қилинди. Тиббий хизматларимиздан фойдаланувчилар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар ошди. Клиникамизга ташриф буюраётган беморларга зарур бўлган барча шарт-шароит яратилган.

Бугунги кунда фахр билан айта оламизки, аҳолига кўрсатаётган тиббий хизматларимиз замонавий тиббиётнинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради.

**Абдужаббор УМАРОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги «MADADI SINO MEDIKAL SERVIS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

*Шундай ажойиб, озод ва обод, тобора ривожланиб бораётган мамлакатда яшаш, меҳнат қилишнинг ўзи катта бахт. Қолаверса, тупроғи — олтин, суви — зар, иқлими — бебаҳо юртимизда боғлардан мўл ҳосил олиш имкониятининг катталиги яна бир мўъжизадир.*

## Фаровонликка хизмат қилаётган сармоялар

Биз ҳам бундан руҳланиб, янги боғлар ташкил этишга киришдик. Шижоатимиз бор, билим ва кўникма, тажриба етарли, иштиёқимиз баланд ҳолда шу ишга қўл урдик.

Аммо ўзингиз яхши биласиз, ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти кўринишидаги бизнес фақат ташаббусга суянган ҳолда ривожланиб кета олмайди. Ташаббусни ҳаракатга келтириш учун эса сармоя керак бўлади.

Мана шу жараёнда биз банкнинг мададига суяндик. "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБнинг туманимизда жойлашган Шарғун филиалига мурожаат қилдик. Банк бизга 430 миллион сўм миқдорида сармоя ажратди. Яна денг, имтиёзли фоизларда. Унга 17 минг дона серҳосил карлик олма кўчати сотиб олиб, 10 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этдик.

Кўчатларнинг ҳосил бериш муддатига қараб ҳисоб-китоб қилдим. Боғ ўзини тезда оқлайди. Бир неча йилда харажатларни қоплаб, катта даромад келтиради. Боғимиздаги дарахтларнинг ҳар тупи яқин йилларда ўн-ўн икки килограммдан мева беради.

Биз, фермерларга яратиб берилаётган имкониятлардан жуда ҳам миннатдормиз. Ишда изланиш, интилиш бўлса, кўп нарсага эришса бўлади. Бугунги фермерлар маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолмай, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйишмоқда. Натижада қишлоққа саноат кириб келмоқда, аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Айни шу жараёнда уларни қўллаб-қувватлаётган молия муассасалари фаолиятидан миннатдормиз. Зеро, хайрли ташаббус ҳамиша эзгуликка хизмат қилади.

**Муҳаммади БОБОХОНОВ,**
**Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги «Сариосиё сабзавот» фермер хўжалиги раҳбари.**

WWW.XS.UZ

Тошкент: Фотосуратлар уйида "Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!" ҳафталиги доирасида "Ер куррасида тинчлик!" республика болалар расмлари кўрик-танлови ниҳоясига етди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 356 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5